O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №
E 91100

Da'vat

Нодонлардек юзлаб сўзни қилмагил қатор,
Доно эрсанг бир сўз дегил, лекин маънодор.

Шайх САЪДИЙ

Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ • معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган 2000 йил 25 октябрь, чоршанба Баҳоси сотувда эркин нархда № 83 (7278)

Ibrat

Тошкентдаги 2-автокомбинат очиқ турдаги акционерлик жамияти корхона хизматчиларининг фарзандлари соғлом ўсишлари учун Митрофанов номли сув ҳавзасига пул ўтказиш йўли билан 58 дона ойлик чипталар сотиб олди. Ишчи-ходимларнинг ўқув юртларида таълим олаётган фарзандларига эса 492250 сўм моддий ёрдам ажратди.

Ватан бизнинг қалбимизда 4-бет

JUMLADA JAHON

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов раислигида Оқсаройда пахтачилик соҳасига бағишланган йиғилиш бўлди.

• Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "2000 йил пахта ҳосилини йиғиштириб олишни тугаллаш ва 2001 йил ҳосили учун агротехника тадбирларини ўз вақтида ўтказишга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори эълон қилинди.

• Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида "Халқаро ҳуқуқий ҳамкорлик муаммолари" мавзуида идоралараро битимни амалга оширишга бағишланган семинар бўлиб ўтди.

• "Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпаниясида Россия Фуқаро авиацияси Давлат хизмати делегацияси билан музокаралар ўтказилди.

• Яқин Шарқ минтақасида яҳудийлар билан араблар ўртасидаги зиддиятлар ҳамон кескинлигича қолмоқда.

• Европа Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Югославиянинг янги ҳукуматига ЕХҲТга қўшилиш таклифини маълум қилди.

• АҚШ армиясининг собиқ сержанти Али Муҳаммад 1998 йилда Африкадаги Америка элчихонасини портлатишда иштирок этганлигини тан олди.

• Туркияда комендантлик соати остида аҳолини умумий рўйхатга олиш ишлари ўтказилди.

• Япония ва Жанубий Корея мамлакатлари дунёдаги энг узун денгиз сув ости йўли қуриш ташаббуси билан чиқишди, яъни ушбу қурилажак йўл япон оролларини Транссибир магистрал темир йўли билан боғлайди.

• Бойқўнғир космодромида ичида Американинг космик алоқа аппарати бўлган "Протон К" Россия ракета элтувчиси фазога кўтарилди.

НАВОИЙ ТИЛ БАЙРАМИ ОҒУШИДА

Ўтган ва давом этаётган ушбу ҳафтада жойларда тил байрами ўтказилди ва миллат дилига қувват берувчи бундай тадбирлар давом этмоқда.

Халқ таълими вазирлиги тизимида бўлиб ўтган энг катта анжуман Навоий вилоятида бўлиб ўтди, десак хато бўлмайди. "Республикадаги таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларда Давлат тилини ўқитиш ҳамда лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этишнинг долзарб масалалари" мавзуидаги мазкур Республика семинар-кенгаши "Давлат тили ҳақида" қонун қабул қилинганлигининг 11, шунингдек, Алишер Навоий таваллудининг 560 йиллигига бағишланди.

Аввало, анжуманнинг ташкил этилиши ҳақида. Семинар-кенгаш бошлангунча қатнашчилар икки гуруҳга бўлиниб, вилоятдаги Навоий шаҳри ва шу номдаги туманда, Қизилтепа, Кармана, Конимех ва Навбаҳор туманларидаги таълим ўзбек ҳамда бошқа тилларда олиб бориладиган қатор мактабларда бўлишиб, қонуннинг бажарилиши борасидаги янги тажрибалар билан танишдилар, давра суҳбатларида бу тажрибаларни муҳокама этдилар. Таассуротлар бир олам. Уларни қисқа сатрларда ёзиш мушкул. Энг яхши тажрибаларни бирма-бир келгусидаги сонларимизда ёритиб боришни ният қилдик.

Анжуман қатнашчилари Навоий шаҳридаги таълим рус тилида олиб бориладиган Нодирабегим номидаги 4-гимназияга кириб борганларида болалар юртимиз мадҳиясини чиройли ижро этиб бердилар. Амалга оширилган ишлар ҳам давлат тилида текширилди, бадиий қисмида эса ўзбек миллий қўшиқлари ижро этилди. Албатта, киши қалбини ғурурга тўлдиради бу лаҳзалар. Бундан тўрт-беш йил аввалги муҳитдан ўзгача иликлик туйдик — ўзбек тилини ўрганишга ҳаракат бор! Бу эса катта ўзгариш.

Anjuman

Байрам куни — 21 октябрда семинар кенгашнинг ялпи йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Рисбой Жўраев кириш сўзи билан очди. Вазир ўз сўзида ушбу тарихий қонуннинг аҳамияти ҳақида, ҳар йили уни нишонлаш айнан улуғ Навоий бобомиз номи билан аталувчи шаҳарда ўтаётганлиги алоҳида мазмунга эга эканлигини. таъкидлади. Шунингдек, у маърузачилардан масаланинг моҳиятига — нимага эришдик, қандай муаммолар мавжуд, уларнинг қандай ечимлари бор, каби саволларга жавоб топишга ҳаракат қилишларини сўради. Навоий вилояти ҳокими Ғ.Диловнинг табригини ҳокимнинг ижтимоий масалалар бўйича ўринбосари Азамат Ҳайдаров ўқиб берди.

Маърузачилар педагогика фанлари доктори, профессор У.Нишоналиев таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларда қонунимизнинг ва лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этишни педагогик амалиётга олиб кириш билан боғлиқ муаммолар ва уларни ҳал этиш чора-тадбирлари тўғрисида фикр юритган бўлса, РТМ директори Г.Алимова Республика умумий ўрта таълим муассасаларида лотин ёзуви асосидаги ўзбек алифбосини жорий этишнинг аҳволи ва навбатдаги вазифаларга тўхталди.

Ўзбекистон Миллий университети кафедра мудири, филология фанлари номзоди, доцент А.Рафиев эса таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактаблар учун ўзбек тили таълими методикасини такомиллаштириш ҳамда янгилашнинг илмий-назарий ва амалий масалалари хусусидаги маърузасида амалга оширилган ишларни таъкидлаш билан бирга анжуман қатнашчилари эътиборини муаммолар ва уларнинг ечимларига қаратди.

Шундан сўнг баҳслар, фикр алмашишлар шўъбаларга бўлинган ҳолда давом этди. Уларда қатор фикр-мулоҳазалар билдирилиб, хулосалар чиқарилдики, улар юқорида таъкидлаганимиз — бир неча мақоланинг мавзусидир.

Қисқа хулоса ясайдиган бўлсак, мазкур семинар-кенгаш навбатдаги ишларга йўлланма берди.

Ҳ.ОМОНОВ

ОДДИЙ МУСОБАҚА ЭМАС...

Сиднейда бўлиб ўтган "Олимпиада — 2000" мусобақалари ҳамда Ливанда бўлиб ўтаётган футбол бўйича Осиё кубоги беллашувларини кузатар эканмиз, бир жиҳатдан уларда жонажон Ўзбекистонимиз спортчиларининг иштироки ва эришган ютуқлари кўнглимизни кўтарган бўлса, иккинчи жиҳатдан муваффақиятсизликлар бу борада яна кўпгина ишлар қилишимиз кераклигини эслатди, ёшлар спортига зўр бериш керак, деган хулосани берди. Чунки 24 миллионга яқин аҳолиси бўлган, уларнинг асосий қисмини ёшлар ташкил этган мамлакат имкониятларининг салмоғи улкан. Бунинг учун эса асосийси эътибор ҳамда спортни янада оммалаштириш керак бўлади.

Олий Мажлиснинг Ёшлар Қўмитасида бўлиб ўтган йиғилиш кун тартибига қўйилган масала айнан шу иккала вазифани амалда бажаришни кўзда тутади — мамлакатимиз мустақиллигининг 11 йиллигига бағишлаб "Умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг "Олимпиада — 2000" спорт мусобақаларини ўтказиш". Айтишингиз мумкин, бундайин мусобақалар шу кунгача ҳам ўтказилиб турибдику, дея. Келинг бу галгисининг фарқини бирма-бир санаб ўтайлик:

Tashabbus

Биринчидан, бу тадбирга Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий Мажлиснинг Ёшлар ишлари қўмитаси, Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Фидокорлар миллий-демократик партияси, "Камолот" жамғармаси, "Ёшлар" телеканали, "Соғлом авлод" халқаро хайрия жамғармаси, Халқаро Кураш ассоциацияси, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, "Пахтабанк", "Ўзбектуризм" миллий компанияси, "Матбуот тарқатувчи" акционерлик компанияси, "Тасвирий ойина" уюшмаси, "Тарона рекордс" компанияси ва бошқа бир қанча корхона ва ташкилотлар бош-қош бўлишади ҳамда ҳомийлик қилишади.

Иккинчидан, бу мусобақалар кенг миқёсда, яъни республикамизнинг деярли барча мактабларида синфлараро беллашувлардан бошланиб, республика босқичигача давом эттирилади.

Учинчидан, беллашувларни ўтказиш жараёнида мамлакатимиз ёшлари орасидан етишиб чиқаётган истиқболли спортчилар аниқланиб, уларга алоҳида эътибор қаратилади, улар муносиб тақдирланади ҳамда барчанинг жисмоний тарбия билан шуғулланиши ўз саломатлигининг гарови эканлиги амалда англатилади.

— Булардан ташқари, бу тадбир мактабларимиздаги спорт иншоотлари, жиҳозлари ва мутахассисларимизни ҳам яна бир бор назардан ўтказиб, мавжуд камчилик ҳамда муаммоларимизни ҳал этишимизга имкон беради, - деди ташкилий қўмита йиғилишида Халқ таълими вазири, ушбу қўмита раиси Рисбой Жўраев.

Хуллас, катта ишга қўл урилди. Ушбу мусобақаларни ўтказиш билан боғлиқ барча ташкилий масалалар ҳал этилди. Энди навбат:

— Кўзланган мақсадга эришиш учун амалий ҳаракат қилиш, - деди Олий Мажлиснинг ёшлар ишлари қўмитаси раиси, ташкилий қўмита ҳамраиси Азамат Зиё. — Мақсад эса — "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида"ги қонунни ҳаётга татбиқ этишга, ҳукуматимизнинг спортни, айниқса, ёшлар спортини ривожлантиришга қаратилган қарорларини бажаришга кўмаклашиш ва шу орқали республика ёшларининг соғлом турмуш тарзини ташкил этиш.

Газетамизда ушбу мусобақаларни жойларда ташкил этиш, уни ўтказиш билан боғлиқ меъёрий ҳужжатлар ва қўшимча маълумотларни мунтазам бериб борамиз.

Абдусамат РАҲИМОВ

БОЛАЛАР АДАБИЁТИНИНГ ЭРТАСИ

Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ёзувчилар уюшмаси Болалар адабиёти бўйича илмий-методик кенгаши билан ҳамкорликда "Болалар адабиёти ва миллий мафкура" мавзусида анжуман ўтказди.

— Болаларнинг онг-тафаккури, тушунча-тасаввури бугун шу қадар олдинлаб кетаяптики, болалар ёзувчиси ё шоири улар дунёсига кириб боролмаса, ёзган асари болалар қалбини эгаллаши мушкул, - деди филология фанлари доктори, профессор Охунжон Сафаров "Туркистон-пресс" мухбирига. - Ўтган йилларга назар солсак, болалар адабиётига оид жуда кўп китоблар чоп этилаяпти. Болалар адабиёти билан шуғулланадиган шоирлар, ёзувчилар, адибларимиз зиммасига ёш авлодни ватанпарвар, мард, жасур, ақлан ва маънан етук бўлишига ёрдам берадиган бадиий асарлар яратишдек катта масъулият юкланган. Лекин афсуски, айрим китоблар ва дарсликлар камчиликлардан ҳоли эмас. Мисол учун 7-синф "Ўзбек адабиёти" дарслигида Алишер Навоийнинг "Ҳайратул-аброр" асари "Поқдил кишиларнинг ҳайратланиши" деб олинган. Ваҳоланки, бу асар узоқ йиллардан буён "Яхши кишиларнинг ҳайратланиши" деб келинади.

Олимнинг таъкидлашича, бугунги кунда муаммолар етарли, хусусан, кутубхоналарда болалар адабиётига доир китоблар йўқ. Мактабларда адабиёт тўгараклари бормийўқми, буни ҳеч ким билмайди. Ёшларнинг онгини маънавий юксак телешоулар, ҳар хил фильмлар эгаллаган. Четдан кириб келган компьютер дастурларини, яъни ўйинларини назоратдан ўтказиш керак, чунки компьютер ўйинларининг 90 фоизи урушлардан, 10 фоизигина фикрлайдиган ўйинлардан иборат.

Ёш авлодни тарбия қилар эканмиз, болалар адабиётида тарихий, диний мавзуларда асарлар яратиш, буюк аждодларимиз Навоий, Широқ, Тўмарис ҳақида кинофильмлар, мультфильмлар тайёрлаш лозим, - деди О.Сафаров сўзининг якунида.

"Туркистон-пресс"

Bu sizning kitobingiz: o'qing, o'rganing, asrang, avaylang!

"ТАРИХ РАҚАМЛАР ФАНИ ЭМАС"

Мустақилликнинг дастлабки ўн йиллиги якунланаётган ўта масъулиятли, шу билан бирга ўта шарафли тарихий бир даврда яшаяпмиз. Ўтган қисқа даврда мамлакатимиз ҳаётида ҳам, одамлар турмушида ҳам кескин бурилиш ясалди. Тафаккуримиз, шууримиз кенгайди. Мустақиллик йиллари ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг тезкорлиги, воқеа ва ҳодисаларнинг шиддатлилиги, оламу одам тақдирига дахлдор бўлган дунёвий муаммолару серқирра ҳаётнинг барча жабҳаларини қамраб олган умумий қарашларимиздан тортиб, энг кичик, энг шахсий юмушларгача бўлган барча ҳодисаларни ўзида мужассам этди. Мудроқ босган туйғуларни жунбушга келтирди Бошқача қилиб айтганда, ҳаётга тийракроқ қарайдиган бўлдик, ўзимизни англай бошладик.

Табиийки, бундай ҳаётий зарурият барча ижтимоий-гуманитар фанлар қатори тарих фани олдига ҳам янги вазифалар қўйди. Тадқиқотчилар, биринчи навбатда, халқнинг истиқлолга эришиш йўлидаги фидойи меҳнатини, миллий мустақилликка эришиш йўллари ва воситаларини, истиқлолни мустаҳкамлашнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий омилларини ўрганиш ҳамда миллий истиқлол мафкурасини яратиш каби бир қатор муҳим муаммоларни ҳар томонлама мушоҳада қилишлари лозим бўларди. Чунки ўрганишга, тадқиқ этишга асослар бор эди.

"Тарихий хотирасиз келажак йўқ", деган эди давлатимиз раҳбари. Дарҳақиқат, тарих хотираси инсон тараққиётига кучли таъсир ўтказади, миллий ғояни шакллантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Улуғ алломалар айтганидек, тарих инсонни истиқболга даъват этади. Миллат онги ва тафаккури ўз тарихи, унинг ривожланиш босқичларини нечоғли ўрганиш, ундан сабоқ чиқариш орқали теранлашади ва бойиб боради. Зеро, тарих яратувчанликни рағбатлантиради. Унинг мураббийлик, тарбиячилик, йўналтирувчилик кучи ҳам худди ана шунда.

Шу маънода мамлакатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академияси қошида "Ўзбекистоннинг янги тарихи" Марказини ташкил қилиш тўғрисида чиқарган Фармойиши катта тарихий ва сиёсий аҳамиятга эга бўлди.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академиясида "Ўзбекистоннинг янги тарихи" китобининг "Мустақил Ўзбекистон тарихи" учинчи жилди (муаллифлар Нарзулла Жўраев, Турсунбой Файзуллаев, "Шарқ" НМК бош таҳририяти, 2000 йил)-нинг тақдимот маросими ўтказилди. Ушбу йиғилишда сўзга чиққан Алишер Азизхўжаев, Бўрибой Аҳмедов, Султонмурод Олимов, Нажмиддин Комиловлар мазкур китобнинг афзаллик, қулайликлар ва баъзи камчиликлардан ҳоли эмаслигини таъкидладилар. Сиёсий фанлар номзоди Нарзулла Жўраев ушбу китобни ёзиш жараёни тўғрисида гапирар экан, "Тарих рақамлар фани эмас"лиги ҳақидаги фикр то китобни ёзиб тугатгунча бош масалалардан бири бўлиб қолганлигини айтди.

Шерали КАРВОНЛИ

ҚЎҲНА ДУНЁ ВА ИЛМИЙ ХУЛОСАЛАР

Маълумки, мазкур ўқув йилидан бошлаб, умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари 7-синфларга жорий этила бошланди.

Яқинда "Шарқ" нашриёт-матбаа концернида Т.Салимов ва С.Маҳкамовлар муаллифлигидаги 7-синфлар учун "Жаҳон тарихи" дарслиги янги алифбода чоп этилди. У мустақиллик йилларида яратилган мукаммал дарсликлар қаторидан жой олди, десак муболаға бўлмайди. Чунки, дарсликнинг нашр маданияти, ихчамлиги, мавзулар орасида берилган рангли хариталар, расмлар ва бошқа ҳужжатлар дарҳол ўқувчи диққатини ўзига тортади.

Дарслик мазмунан бой, услубий пухта ишланган. Ҳар бир янги сўзларга изоҳлар берилган. Унда қисқа, лўнда савол ва топшириқлар, "Ўйлаб кўриб хулоса чиқаринг!", "Буни ўқинг" каби қизиқарли қўшимча манбалар берилган бўлиб, дарсликдаги мавзуларни янада кенгайтиради. Айниқса, берилган мустақил ишларни ва жадвални тўлдириш учун ўқувчилар узоқ ишлашга, мустақил фикрлашга мажбур бўладилар. Мақсадимиз ҳам аслида мана шу эди.

Дарвоқе, бу дарслик дунё халқлари тарихининг V асрдан XVII асргача бўлган даврини ўргатади. Ўқувчилар ўз миллати, ватани тарихини мукаммал ўрганиш билан бирга, унинг жаҳон тарихидаги тутган ўрнига холисона баҳо бера олиши учун ҳам жаҳон халқлари тарихини билиши зарур.

Давлат таълим стандартларида айтилганидек, "Жаҳон тарихи" фанини ўзлаштириш мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётини теранроқ англашга ва уни бошқа мамлакатлардаги ижтимоий-сиёсий ҳаёт билан солиштириб, зарур назарий-илмий, ғоявий-тарбиявий хулосаларни чиқаришга ҳамда миллий истиқлол мафкурасининг шаклланишига олиб келади.

Дарсликни варақлар эканмиз, собиқ шўро давридаги нашрларда "унутиб қолдирилган", жаҳон тарихининг бир бўлаги бўлган "IX-XII асрларда Ўрта Осиёдаги маданий ҳаёт" мавзусини учратамиз. Унда ўқувчилар Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий, Аҳмад ал-Фарғоний, Абу Наср ал-Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Синоларнинг ҳаққоний ижодий фаолияти ва илмий мероси ҳақидаги ҳақиқатни билиб оладилар.

Муаллифлар "Мовароуннаҳрда ислом маданиятининг юксак тараққиёти" мавзусида илк бор ўқувчиларга Имом ал-Мотуридий, Имом Абу Лайс-ас-Самарқандий, Имом аз-Замахшарий, Имом ал-Бухорийлар ҳақида маълумотлар берадилар.

Бурҳониддин ал-Марғиноний ва унинг "Ҳидоя" асарини биз муаллимлар ҳам мустақиллик йилларидагина билишга муяссар бўлган эдик. Буюк алломалар ва уларнинг дурдона асарлари билан танишган ўқувчиларда ўз аждодлари билан фахрланиш ва ватанпарварлик ҳислари уйғониши табиий.

Мукаррам МЎЙДИНОВА,
Тошкент шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институти тарих кабинети мудираси.

Fikr, mulohaza, taklif

ТАЪЛИМДА ОТА-ОНА МАСЪУЛИЯТИ

Кундалик матбуотни кўздан кечирар эканмиз, тарбия ҳозирги куннинг асосий муаммоси бўлиб қолганлигини ҳис қиламиз. Ойнаи жаҳон ҳам, газеталару журналлар ҳам болаларнинг қаровсиз қолаётганлигидан шикоят қилиб, ҳушёрликка чорлаб турибди. Асосий айбдор сифатида гоҳ ота-оналар, гоҳ муаллимлар, гоҳ жамоа ташкилотлари тилга олинмоқда. Бунга жавобан эса ҳар ким ўзини оқлаш билан овора бўлмоқда. Ҳеч бир ота-она ўз боласининг ёмон инсон бўлиб вояга етишини хоҳламаслиги табиий. Қолаверса, боланинг ҳақиқий эгаси ота-онадир. Бироқ ҳамма ота-она ҳам сиз билан биз ҳавас қиладиган даражадами? Ҳамма гап ана шунда.

Халқимиз бежизга қуш уясида кўрганини қилади, демайди. Болалик эса айнан шахснинг шаклланиш давридир. Бу даврда олинган ҳаётий кузатувлар бола онгининг энг чуқур қатламларига жойлашади. Ундаги илк ҳаётий кўникмалар ота-оналардан олинади. Хуллас, ота-оналар ўзлари билиб-билмай ўзининг иккинчи "мен"ини яратдилар. Болалар тарбиясига лоқайдлик билан қараш аянчли оқибатларга олиб келишини барча ота-оналар бирдек ҳис этавермайдилар.

Дарҳақиқат, тамомила ҳур фикрлар билан озиқланиб мактабдан қайтган болага ўз ота-онаси ёки айрим кишилар тескари тушунча бериб турса, бола онги тезда ўзгариб, мактабда қабул қилган фикрларидан воз кечиши мумкин. Демак, асосий эътиборни оилага қаратиш, аввало, ота-оналарнинг ўзлари юксак маънавиятли бўлмоғи мақсадга мувофиқдир.

Мустақил Республикамиз Конституциясининг 64-моддасида таъкидланганидек: "Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунча боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар". Шунингдек, «Таълим тўғрисида»ги қонунда ҳам оилавий тарбия бўлимининг жорий этилганлиги мазкур муаммога бефарқ бўлмасликка ундамоқда.

Фарзанд тарбиясига эътибор бериб, уларнинг баркамол инсон бўлиб етишишлари учун шароит яратиб бериш билан бирга, мусиқа ёки касб эгаллаш билан шуғуллантираётган, ҳунар ўрганишга эътибор бераётган, фарзандининг келажаги учун қайғураётган ота-оналарни кўрганда мамнун бўлади киши. Шунинг учун ҳам пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг муборак ҳадиси шарифларида ҳам ота-оналарга қарата: "Ҳар бир ота-онанинг зиммасида уч қарз-фарз бордир. Биринчиси, дунёга келган ўғил-қизларга яхши исм қўйиш. Шундай экан, яхши исм қўйингки, ўғил-қизлар ёру дўстлари олдида исми билан фахрланиб юрсинлар. Иккинчиси, ўз фарзандининг жисмоний ва маънавий томонини етук қилиб тарбиялаш, едириш, кийдириш, бетоб бўлган чоғларида даволатиш, яхши одоб-ахлоқ, ҳурмат-эҳтиром, иффат, поклик, сабр-қаноатли, шижоатли бўлиш, илм-маърифат кўрсатиш ва бирор касб-ҳунар эгаси қилиш. Учинчиси, ўғил бола бўлса ўз тенгига уйлантириш, қиз бола бўлса, ўз тенгига турмушга чиқариш, уларни моддий ва маънавий таъминлаб туриш, ота-она меросидан фойдаланишни таъминлаш", деб уқтиради.

Демак, ота-она зиммасига жуда катта масъулият юкланган. Улар шундай қилганларида фарзандлари олдидаги учта қарздан қутилган бўлар экан.

Ота-оналар фарзандларини комил инсонлар қилиб тарбиялашлари учун, аввало, оилада маънавий соғлом муҳит яратиш билан бирга, ўзларининг маънавий дунёси бой эканлигини кўрсатиб, ўз фарзандларига намуна бўла олиши керак.

Хўш, ота-оналар қаердан маънавий озуқа оладилар? Улар учун алоҳида мактаблар, социализм давридаги каби номигагина "Ота-оналар университетлари"ни шакллантириш ортиқча дахмазанинг ўзгинасидир. Биз яна ёрдамни оммавий ахборот воситаларидан, ойнаи жаҳон дастурларидаги ёшлар билан бирга ота-оналарга ҳам мўлжалланган кўрсатувлару газета ва журналларимиздаги жонли ва самимий ёзилган мақолалардан кутамиз.

Ойнаи жаҳон орқали кўпроқ дам олиш кунлари ота-оналар ва болалар учун жонли ҳаётий мисоллар билан бугунги миллий тарбиямизга оид кўрсатувлар бериб борилса, мақсадга мувофиқ бўлади деб ўйлаймиз.

Оталар тирикчилик ташвиши деб, болалар тарбиясини кўпроқ оналар зиммасига юклаб қўйишмоқда. Аммо кўпчилик оналар ҳам давлат юмушларида самарали меҳнат қилишмоқда. Демак, ота ҳам, она ҳам чарчаган ҳолда оиласи бағрига қайтишади. Охир-оқибат фарзандларини қизиқтирган саволлар, улар билан китоблар, адабиёт, санъат ва бугунги ижтимоий ҳаётимизда бўлаётган туб ўзгаришлар ҳақида суҳбатлашишга, фарзандининг бугунги куни қандай ҳолатда ўтганлиги, мактабда ким қандай сабоқ берганлиги, энг яқин ўртоғи кимлигини, бўш вақтини қандай ўтказганлигини билишга ҳамма ҳам имкон топа олмайди. Бола ўз ихтиёри бўйича ҳаёт кечиради. Оқибатда, айрим фарзандларимиз пул топиш йўлида ўқишни иккинчи даражага қўйиб қўйиши, нос ва сигарета чекишлари, кўпчилиги китоб ўқимаслиги, ҳар хил байрамлар баҳона спиртли ичимликлар истеъмол қилишиб, ҳайвоний ҳолатларга кириб қолиши, бўш вақтини доимо видео, телевизор кўриш ёки кўча-куйда сандирақлаб юриш, ёхуд қимматбаҳо кийимлар кийиб ўзини кўз-кўз қилиши, Ватан тушунчасини оддий ҳолдек тушуниш, Ватанимиз рамзларига муносабатлари саёзлиги, ўз хатти-ҳаракатларида европача иллатларни намоён этишлари, ҳар хил диний оқимларга қўшилиб кетишларидек аянчли ҳоллар келиб чиқади.

Қадимда боболаримиз йўл юриб кетаётганда бехосдан чуқурликка тойиб кетса, ўрнидан туриб, этак қоқиб кетавермаганлар. Мен йиқилдим, бошқалар йиқилмасин, деб чуқурни текислаб кўмарди ё бўлмаса биронбир белги қўйиб кетарди. Боболар мероси ана шундай. Одамлар бошқаларни ўйлаб бекилган булоқ кўзини очадилар, дарахт экадилар. Мендан кейин дунёга келувчилар ташналик азобини кўрманглар, очликдан қийналманглар, дея шундай қиладилар. Боболар мероси ана шу булоқ, ана шу дарахтдир. Фарзанд тарбиясида ҳам шундай омилларга суянмоқ керак.

Акром ЎТАЕВ,
Тошкент вилояти педагог ходимлар малакасини ошириш институтининг катта ўқитувчиси

Obuna-2000

МЕНИНГ ҚАДРДОНИМ-«Ma'rifat»

"Биринчи ўқитувчим" деган гапни деярли ҳар куни, ҳар соатда, деярли, ҳар қандай даврада эшитамиз. Хоҳ вазир бўлсин, хоҳ оддий ишчи ва касби-коридан қатъий назар, илк бора қўлига қалам тутқазиб, "О", "Н", "А" ҳарфларидан ўзи учун энг мўътабар зот номини ёзишни ўргатган биринчи ўқитувчини унутиб бўладими, ахир?

Ўқитувчи доимо ўқитувчи бўлиб қолаверади. Шу ўринда мен "Маърифат" газетасини "Биринчи газетам" дегим келаверади. Бунга сабаб, отам бир умр мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаганлиги бўлса, яна бир томони шундаки, газета деган сўз менинг луғатимга шу "Маърифат" орқали кириб келган. Балки мени журналистика касбини эгаллашимга ҳам шу газета сабабчидир. Бундай дейишимга сабаб, ўша пайтда шу газетанинг Сурхондарё ва Қашқадарё вилояти бўйича мухбири (минг афсуски, у муҳтарам зотни на исми, фамилияси хотирамда бор) уйимизга бот-бот келиб, отам Қаҳҳор Мингбоев билан соатлаб суҳбат қурарди. Суҳбат мавзуси тарих, ўтмишдошларимизнинг босиб ўтган йўллари ҳақида борарди.

Ҳали юқорида айтганимдек, менинг ҳаётимда газета муҳим аҳамият касб этган. Унинг ҳар бир саҳифасини ҳозирга қадар ўқиб бораман. Ўша пайтларда "Ўқитувчилар газетаси" деб юритилган газетадаги танқидий мақолаларни ўқиб, марҳум отамни жуда жаҳллари чиқиб, икки-уч кунлар хомуш бўлиб юрардилар. Сўнгра мен ва укамга, тоғаларимга насиҳат қилиб, «Ўқитувчи - бу жамиятнинг ойнаси. Қайсики қишлоқ ва шаҳар кишиларига баҳо бермоқчи бўлсанг ёки уларнинг кимлигини англамоқ истасанг, унда ўша ернинг ўқитувчиси билан мулоқотда бўлгин. Ўқитувчилик ҳамиша мураккаб ва мўътабар касб саналган. Бу баъзилар ўйлаганидек, кунда икки-уч соат дарс ўтиб, сўнгра кечгача чойхонада гап сотиб ўтириш, деган гап эмас", дердилар.

Гарчи укам Салоҳиддин ўша пайтда ҳали мактаб ўқувчиси, тоғаларим Ҳамроқул, Ўроқ Муҳаммадиевлар педагогика институтининг талабалари, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси Тўлқин Ҳайитов мактабнинг мендан бироз юқори синфида ўқирди. Барибир, Тўлқинбой тоғам ҳам ўқитувчидан чиққан ёзувчи-ижодкор, десам янглишмайман.

Ҳа, оиламиздагиларнинг ўқитувчи бўлиб шаклланишида, жамиятда ўз обрў-эътиборини топишида "Маърифат" газетасининг ўрни беқиёсдир. Ундаги барча фикр ва мулоҳазаларни синчиклаб мутолаа қиламиз. Мактабларда олиб борилаётган ибратли ишлар, тажрибалар хусусидаги турли-туман жанрда ёзилган саҳифаларни оиламиз билан биргаликда бажонидил ўқиймиз.

Обуна мавсуми давом этмоқда. Мен бу йилда ҳам сенга обуна бўлиб, доим сен билан бирга бўлишни ният қилдим, сен мени ва менинг оиламни қандай тарбиялаган бўлсанг, менинг фарзандларимни-ю, сенинг билан ҳамиша бирга бўлувчи мухлисларингни биздан-да аълороқ тарбиялашингга ишонаман.

Камолиддин МИНГБОЕВ.
Сурхондарё вилояти

«Маърифат»га обуна бўлинг!

Тарих кинотасмаси эмас. Уни ортга қайтариб бўлмайди. Аммо ўтмишда қилинган ҳар қандай иш авлодлар томонидан эсланади. Ўтаётган асримизнинг 20-йилларида буюк маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлонийнинг Тошкентнинг Миробод маҳалласидаги уйида мактаб очилиб, унинг ташкиллаштирувчиси моҳир педагог Миржалил Каримов бўлган эди. Шу вақтга қадар темир йўл қарамоғидаги Абдулла Авлоний номли 40-ўрта мактаб, 1998 йил 1 январдан эса Миробод туман халқ таълими бўлими тасарруфидаги ўз номини сақлаб қолган 328-ўрта мактаб деб аталиб келинадиган ушбу билим маскани жамоаси тилимиз байрами арафасида мактабнинг 80 йиллик тўйини нишонлади. Пойтахтдаги бой тарихга эга бўлган мактаб ҳовлисига қадам қўяр эканмиз, карнай-сурнай садолари остида ушбу мактабни ўн, йигирма, ўттиз ва ҳатто, қирқ, эллик йил олдин тугатган собиқ синфдошлар йиғилаётганини кўриб, дилимиз ҳаяжонга тўлди. Ҳа, буюк маърифатпарварлар Абдулла Авлоний ва Миржалил Каримовлар қилган савобли ишлар бугун саксонинчи бор авлодлар томонидан ёдга олинадиган кун эди.

ИЛМ МАСКАНИНИНГ ҚУТЛУҒ ТЎЙИ

Йиғилганлар дастлаб "Абдулла Авлоний музейи" билан танишишди. Музейда Абдулла Авлонийнинг ҳаёти, фаолияти ва ижоди билан боғлиқ архив ҳужжатлари, турли йилларда тушилган суратлари мавжуд эди. "Бизнинг собиқ ўқувчилар" деб аталган қисмида шу вақтга қадар мактабни тугатган ўқувчилар суратлари, "Бизнинг фахримиз" бурчагида эса Ўзбекистон халқ ёзувчиси, марҳум Ўлмас Умарбековнинг ўзбек ва бошқа тилларга таржима қилинган асарларини ҳамда ҳеч жойда эълон қилинмаган қўлёзма асарларини кўриш мумкин эди.

Мактабнинг 80 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиши ҳам кўтаринки руҳда ўтказилди. Мактаб раҳбари Саида Маматқулова мактабнинг бугунги ҳаёти ҳақида сўзлаб бергандан сўнг, халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Рустам Аҳлиддинов вазирликнинг мактабнинг бир қатор илғор ўқитувчиларига "Халқ таълими аълочиси" кўкрак нишони ва фахрий ёрлиқларини топширди ҳамда яқин кунларда вазирлик ушбу мактабда компьютер синфини очишга қарор қилганлигини айтди. Шундан сўнг, Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси вакили ўрнак кўрсатган таълим ходимларига "Халқ таълими фидойиси", "Оқил Шарофиддинов" номидаги кўкрак нишонларини, Миробод туман ҳокими ўринбосари Моҳира Раҳимбердиева эса туман ҳокимиятининг фахрий ёрлиқларини топширдилар.

Ушбу мактабни 1935 йилда тугатган Ёдгора ая Исматова Абдулла Авлоний, Миржалил Каримовлар билан боғлиқ хотираларини ҳаяжон билан гапириб берди. Шунингдек, мактабнинг собиқ ўқувчиси, академик Карим Аҳмедов ҳам ўқувчилик даври ва устозларини ёдга олди. Албатта, бу сўзлар ораси мусиқасиз бўлмади — мактаб жамоаси ташкиллаштирган бадиий қисм йиғилганларга манзур бўлди.

Хулоса қилиб айтганда, барча йиғилганлар — собиқ ўқитувчи-ю ўқувчилар бу кун оддий сана эмас, бутун умр ёдда қоладиган тўй эканлигини, ғанимат дам эканлигини англаган эдилар.

ҚЎШСАНА ВА ҚЎШБАЙРАМ

Ҳар қандай байрам интиқлик билан кутилади. Пойтахтимизнинг Сирғали туманидаги 318-боғча-мактаб мажмуи жамоаси тил байрами бўладиган кунни интиқлик билан кутишди. Чунки шу куни мазкур мажмуанинг 5 йиллиги нишонланиши лозим эди. 21 октябрь куни ушбу қўшсана боғча-мактабда қўшбайрам сифатида ўзгача шукуҳда ўтказилди. Саховат байрам билан, байрам саховат билан гўзал эканлиги шу куни яна бир бор ўз исботини топди. "Ўзиккиламчиранглиметалл" корхонаси (раҳбари Ж.Бобохонов)нинг мазкур боғча-мактаб ўқитувчилари ва тарбияланувчиларига 60 минг сўмлик китоб совға қилиши ушбу масканнинг устозу шогирдлари дилини нурга тўлдирди. Шунингдек, боғча-мактаб жамоасининг бир гуруҳ илғор ходимларига "Халқ таълими фидойиси" кўкрак нишонининг топширилиши мукофотлаганларнинг кўнглини тоғ қадар кўтарди. Жўрахўжа Норхўжаев бошчилигидаги бухоролик дарбозчилар гуруҳининг томошалари, кўрсатган ўйинлари тадбир қатнашчиларининг кайфияти кўтаринкилигини таъминлади.

Шерали МАХМАРАЙИМ ўғли,
"Маърифат" мухбири

ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ БАЙРАМИ

Ўзбекистон Миллий университети маданият саройида тилшунос олимлар ва талабалар иштирокида тил байрами ўтказилди

— Ўз тилини қадрлаган халқнинг қадри ҳам баланд бўлади, -деди университетнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича проректори Одилжон Маматкаримов "Туркистон-пресс" мухбирига. — Асрлар оша яшаб келаётган, лекин маълум бир даврда назардан четда қолдирилган ўзбек тилига истиқлол шарофати билан юксак эътибор қаратилганлиги тарихий воқеадир. Тилимизга давлат тили мақоми берилганлиги халқимиз томонидан қувонч билан кутиб олинди. Мана, 11 йилдирки, биз бу кунни университетимизда улуғ бир байрам сифатида нишонлаб келамиз. Ёшлар руҳиятида тилимизга муҳаббат ва фахр туйғуларини тарбиялашда бу байрамнинг аҳамияти бениҳоя. Халқимиз орасида эъзоз топган Наврўз айёми, Мустақиллик байрамлари қаторида Тил байрами ҳам ниҳоятда азиз. Биз уни маълум даврлардагина эмас, балки оммавий байрам сифатида нишонласак арзийди. Зеро, тилни қадрлаш ва эъзозлаш ўзликни англашнинг дебочасидир.

Байрам кечасида 900 нафардан зиёд ёшлар иштирок этди. Шоирлардан Нормурод Нарзуллаев, Жуманиёз Жабборов ва олим Лазиз Қаюмовлар талабаларга тилимизнинг ўзига хос жиҳатлари ҳақида сўзлаб бердилар. Ўзбек тилининг нақадар жозибадорлиги, инсон учун дунёда ўз она тилидан гўзал ва қадрли тил бўлмаслигини таъкидладилар. Кечада сўзга чиққан талабалар ҳам тилимизнинг бетакрорлиги ва уни асл ҳолида асраш ҳақида тўлқинланиб гапирдилар. Рус гуруҳларида таълим олаётган бошқа миллатга мансуб талабалар ўзбек тилидаги чиқишларида ўз она Ватанларига, ўзбек тилига муҳаббат ҳиссини изҳор этдилар. Шукуҳли кеча шеърхонлик билан давом этди. Таниқли санъаткорлар иштирокидаги концерт дастури оқшомга файз киритди.

Байрам баробарида маданият саройи фойесида тил ҳақидаги китоблар кўргазмаси ташкил этилди. Ёшларнинг ўз тилларига бўлган чуқур муҳаббат ва эҳтиромлари акс этган "Она тилим - жону дилим" мавзусидаги деворий газеталари ҳам байрам иштирокчиларида катта таассурот қолдирди.

"Туркистон - пресс"

Amaliy mashg'ulotlar

АЛГЕБРАДАН МУСОБАҚА ДАРСИ

Мавзу: 8-синфда "Квадрат тенгламалар" бобини такрорлаш.

Дарснинг мақсади:

а) таълимий мақсад: ўқувчиларда квадрат тенглама ҳақидаги билимларни умумлаштириш ва янада чуқурлаштириш.

б) тарбиявий мақсад: ёшларда математика фанига бўлган қизиқишни кучайтириш ва дунёқарашини кенгайтириш.

в) ривожлантирувчи мақсад: болаларда математик билимларни янада мужассамлаштириш, ижтимоий фикрлаш қобилиятларини ривожлантириш ва умумий дунёқарашни ўстириш.

Дарс тури: умумлаштирувчи мусобақа дарси.

Дарс жиҳозлари: 8-синф дарслиги, тенгламалар, ноанъанавий ҳисоблашлар ва қизиқарли масалалар ёзилган 2 та плакат. Ўқувчилар билимини баҳолашда қўлланадиган доира, квадрат, учбурчак шаклидаги картон "баҳолар".

Дарс баёни: дарс одатдагидек ташкилий қисм билан бошланади. Ўқувчиларга кундалик дунё воқеалари ва янгиликлари бўйича қисқача ахборот берилади. Уларнинг диққатини бир жойга тўплаш, дарсга жалб этиш ва қизиқтириш ҳамда оғзаки фикрлаш қобилиятларини ўстириш мақсадида бир неча саволлар берилади:

1. Квадрат тенгламанинг умумий кўриниши қандай?
2. Чала квадрат тенгламага мисол келтиринг.
3. $5x^4 - 3x^2+7=0$ қандай тенглама?
4. $x^2+25=0$ тенгламани ечинг.
5. Биет теоремасини айтинг.

Сўнгра мусобақа дарси бошланади. Аввало синф икки гуруҳга бўлинади. 1-гуруҳга "Парабола". 2-гуруҳга "Гипербола" деб ном қўйилади. Ҳар бир гуруҳ ўз сардорини сайлаб олади.

Савол – жавобни қайси гуруҳ бошлаши сардорларда қуйидаги типдаги чала квадрат тенгламалар ечишига қараб аниқланади:

1. $ax^2+вx...=0$ 2. $ax^2 ... +0=0$

Бу типдаги тенгламаларни доскада сардорларнинг ўзлари бир-бирига беради. Улар аввало тенгламанинг чаласини тўлғазади ва кейин илдизларини топади.

Ўқувчилар бундай квадрат тенгламалар $a+в+c=0$, $x_1=1$, $x_2=c/a$ шартларида ечимга эга бўлишини биладилар.

Мусобақа шартлари билан таништирилиб, ғолиб гуруҳ 1-шартни бажаришга киришади.

1— шарт. Ҳар иккала гуруҳга 10 тадан савол берилади. Жавоблар тез бўлиши алоҳида эътиборга олинади. Ҳар бир тўғри жавоб учун 5 балл қўйилади. Баллар шу вақтнинг ўзида досканинг бир четидан ҳар бир гуруҳ учун ошкора шаклида қўйиб борилади. Шу билан бирга ҳар бир жавоб берган ўқувчига "картон баҳолар" ("доира - "5", квадрат — "4", учбурчак — "3") ўша заҳоти бериб борилади. Дарс охирида ҳар бир ўқувчи тўплаган "картон баҳолар" жамланиб, баҳо қўйилади ва шу усул билан фаол ўқувчилар аниқланади.

1-гуруҳ учун саволлар:

1. Юза оғирлиги нима?
2. Бу йил қандай йил?
3. Квадрат тенглама қачон битта илдизга эга бўлади?
4. Келтирилган квадрат тенглама кўриниши қандай бўлади?
5. Туманимиз қачон ташкил топган?
6. Математика ҳақида донолар фикри.
7. Квадрат тенглама дискрименанти қандай ва у нимани англатади?
8. Учбурчакнинг юзи қандай формула билан ҳисобланади?
9. "Таълим тўғрисида"-ги қонун қачон қабул қилинган?
10. Чала квадрат тенгламага мисоллар ёзинг?

2-гуруҳга саволлар:

1. Оғирлик бирлиги нима?
2. Ўтган йил қандай йил эди?
3. Квадрат тенглама қачон комплекс сонли илдизга эга бўлади?
4. Бу квадрат тенгламанинг умумий кўринишини ёзинг?
5. Вилоятимиз ҳокими ким?
6. Математика ҳақида донолар фикри?
7. Квадрат тенглама илдизи формуласини ёзинг.
8. Пифагор теоремасини айтинг.
9. Олий ва ўрта махсус ўқув юртларига ўқишга кириш қачондан бошлаб тест усулида бўлмоқда?
10. Виет теоремасини айтинг.

2-шарт. Доскага қуйидаги мисол ва масалалар ёзилган плакат осилади. Уларни икки гуруҳдан биттадан ўқувчи чиқиб ечади. Ҳар бир масала учун 10 баллдан қўйилади.

1. Тенгламани ечинг: (10 балл)
а) $6x^2=5x+1$
б) $5x^2+1=6x$
2. Ҳисобланг: (10 балл)
а) $\sqrt{113^2-112^2}$
б) $\sqrt{65^2 63^2}$
3. а) Пирамиданинг узунлиги 3 см. куб қизил рангга бўялган. У (бир) 1 см.ли кубчаларга бўлинган. Нечта кубни 3 та қизил ёққа, нечта кубча 2 та қизил ва нечта кубча 1 та қизил ёққа эга?
б) Шаклда тасвирланган фигурани тенг уч бўлакка, тенг тўрт бўлакка ва тенг икки бўлакка бўлинг.

А)

Б)

3-шарт. Рақамлар қатнашган мақоллар айтинг. (1 мақолга 1 балл). Гуруҳлар навбат билан айтади. Қайси гуруҳ тўхтаб қолса ёки мақолларни такроран айтса, ўйин тўхтатилади. Кўп мақол айтган гуруҳ ютади.

Мақоллардан намуналар:

1. Етти ўлчаб бир кес.
2. Санамай саккиз дема.
3. Етимнинг қорни етти.
4. Икки ўн беш — бир ўттиз.

4-шарт. Математика фани ҳақида шеърлар айтиш (1 та тўртлик шеър учун 1 балл).

Бу ҳам 3-шартдагидек навбат билан тўхтаб қолгунча ёки такроран айтилгунча давом эттирилади.

Мусобақа тугалланади. Гуруҳлар тўплаган баллар жамланиб, ғолиб аниқланади ва эълон қилинади. Ғолиб гуруҳга қизиқарли математика китоби совға қилинади. Фаол иштирок этган ўқувчилар тўпланган "Картон баҳо"ларга қараб баҳоси аниқланади ва уларнинг баҳолари журналга, кундаликка қўйилади.

Мусобақа дарсларига камида бир ҳафта тайёргарлик кўрилади. Бу дарс ўқувчилар фаоллигини, қизиқишини, дарсда ўзини эркин тутишни, ижодий фикрлаш қобилиятини оширишда яхши самара беради.

Баҳриддин САЪДУЛЛАЕВ,
Қўшработ туманидаги 31-мактаб олий тоифали математика ўқитувчиси

ЭКОЛОГИЯ, САЛОМАТЛИК, АВЛОД

Тингловчиларга бу мавзу маъқул тушди

Миллий Университет қошидаги олий педагогика институтида 140 нафар тингловчи ўз малакаларини оширмоқдалар.

Тингловчилар таркибида Республика Олий ўқув юртларидаги ижтимоий-гуманитар фанлар кафедралари профессор, доцентлари, лицей, коллежлар ўқитувчилари бор. Институт директори Шамси Шаропов тингловчилар томонидан эркин танланган маърузачиларни таъминлаб, демократик асосда фикрлар хилма-хиллигини юзага келтиришда жонкуярлик кўрсатмоқда.

Фалсафа ва ҳуқуқ институтининг директори, Ўзбекистон ХДПнинг биринчи котиби, фалсафа фанлари доктори профессор Абдулҳафиз Жалоловнинг "Миллий ғоя ва фалсафий жиҳатлар", Генетика институтининг академиги, биология фанлари доктори Жўра Мусаевнинг "Генетика фанининг ўзига хос ривожланиш қонуниятлари" деб номланган маърузалари эркин мунозарага айланди.

Академик Жўра Мусаевнинг инсоният олдида қанчадан-қанча маънавий фожиаларнинг келиб чиқаётганлиги ҳақидаги маърузаси тингловчиларни чуқур ўйга толдирди.

Олимларнинг бу маърузаси бир неча илмий мақола, услубий қўлланмалар юзага келиши учун ҳам манба бўлади.

Муродулла ОЛТИБОЕВ,
Қарши давлат университети маданиятшунослик кафедрасининг доценти.

Malaka oshirish

ЭЗГУЛИККА ЭШ БЎЛАЁТГАН ТАШКИЛОТ

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тузилганига 55 йил тўлди, ушбу халқаро ташкилот фаолияти билан боғлиқ яна айрим маълумотлар сизу биз учун муҳим.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти нима?

— БМТ мустақил давлатлардан тузилган ташкилот. Бу мамлакатлар халқаро миқёсда тинчликни сақлаш, қашшоқлик ва ноҳақликка қарши биргаликда курашиш мақсадида бирлашган. У 1945 йил 24 октябрда ташкил топган ва ҳозирда 189 та мустақил давлатларни бирлаштирган энг нуфузли халқаро ташкилотдир.

БМТнинг мақсад ва вазифалари нималардан иборат?

1. Жаҳонда тинчликни қўллаб-қувватлаш.

2. Мамлакатлараро дўстона алоқаларни рағбатлантириш.

3. Қашшоқликни тугатиш, инсон ҳуқуқлари ва эркинлигига ҳурмат ҳиссини кенг ёйиш.

4. Ушбу мақсадлар йўлида кўмаклашувчи мамлакатлар маркази сифатида фаолият юритиш.

БМТнинг бош идораси қаерда жойлашган?

— Унинг штаб квартираси Нью-Йорк шаҳрида халқаро ҳудуд сифатида эътироф этилган майдонда жойлашган.

БМТ қандай тиллардан фойдаланади?

— Ташкилот 6 та расмий тилдан фойдаланади: араб тили, хитой тили, инглиз тили, француз тили, рус тили ва испан тили.

БМТ қайси кунларни халқаро миқёсда нишонлайди?

BMTni bilasizmi?

— 24 октябрь — БМТ ташкил топган кун;

— 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни;

— 5 июнь — Халқаро атроф муҳитни ҳимоя қилиш куни;

— 8 сентябрь — Халқаро билимлар куни;

— БМТ Бош Ассамблеясининг навбатдаги сессияси бошланадиган кун

— Халқаро тинчликни ҳимоя қилиш куни;

— 1 декабрь — Бутунжаҳон СПИДга қарши кураш куни;

— 10 декабрь — Инсон ҳуқуқлари куни.

БМТнинг асосий таркибий қисми қандай?

— Бош Ассамблея;

— Хавфсизлик хизмати;

— Иқтисодий ҳамда ижтимоий масалалар хизмати;

— Шафелик хизмати;

— Халқаро суд;

— Котибият.

Мустақил Ўзбекистон Республикаси қачон БМТга аъзо бўлган?

— 1992 йил, 2 март.

Фазлиддин РАҲИМОВ тайёрлади.

ҚАЧОН ФАОЛ ИШТИРОКЧИ БЎЛАМИЗ?

Taqdimot

Куни кеча РТМда таълим ўзбек тилида олиб бориладиган мактабларнинг 3, 4, 7-синфлари учун ДТС асосида яратилган "Русский язык" дарсликлари тақдимоти бўлиб ўтди. Унда шаҳар мактабларининг рус тили фани ўқитувчилари, методистлар, дарсликлар муаллифлари иштирок этишди.

Тақдимотни "Тил ва адабиёт таълими" журнали бош муҳаррири, дарслик муаллифларидан бири, профессор Раъно Толипова очиб, жойларда синовдан ўтказилган дарсликларнинг мазмун-мундарижаси, моҳияти ҳақида гапирди. Тошкент дипломатия университети қошидаги лицей ўқитувчиси, дарслик муаллифи Мавлуда Исломова, Тошкент шаҳридаги 41-мактабнинг рус тили фани ўқитувчиси Зуҳра Мавлонова, 200-мактаб муаллимаси, экспериментатор-ўқитувчи Тамара Брагинская ва бошқалар эса дарслик ёзиш машаққати, ўқувчи иштиёқи ва янги қўлланмалар зарурати тўғрисида атрофлича фикр юритдилар.

Тақдимот жараёни бизда ҳам баъзи мулоҳазаларни уйғотди. Очиғи, шу кунги йиғинда 300 нафардан ортиқ ўқитувчилар худди эшитувчилардек қатнашдилар. Аслида бундай маросимларда "Дарслик мазмунан қизиқарли бўлганми?", "Ўқувчиларнинг янги дарсликка интилиши қай даражада?", "Қайси синф дарслигида ёки қайси бобларда чалкашликлар мавжуд?", "Ўқувчилар тушунчаларни ўзлаштиришда қийналишмаяптими?" каби саволларга жавоб изланиши зарур эди. Афсуски, бу маросимда ўқитувчилар фаол иштирокчилар эмас, балки суст эшитувчиларгина бўлиб қолишди. Китоб ҳақида улар эмас, муаллифлар кўпроқ гапиришди. Шунингдек, яна муаллифларнинг заҳматли меҳнатига холис баҳо берилганида нур устига аъло нур ва келажакда улар меҳнати самаралироқ бўлур эди.

Қ.МАТҚУРБОНОВ

2000 yil — Sog'lom avlod yili

ТУРМУШ ТАРЗИ ТАЪСИРИ

Инсон органик оламнинг энг ривожланган вакили ҳисобланади. Тана тузилиши, унинг кимёвий таркиби, унда кечадиган ҳаётий жараёнлар кўп жиҳатдан умуртқали ҳайвонларнинг энг юксак тараққий этган вакилларига ўхшайди. Шу билан бирга у барча ҳайвонлардан ўзининг онги, нутқи билан фарқланади. Бу борада биз одамнинг шахсий ривожланиши алоҳида тўхталиб ўтишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Инсон дунёга келди. У ҳаводан нафас ола бошлади. У энди бутунлай бошқа муҳитга мослашиши керак. Туғилгандан кейинги ҳаётининг биринчи йили мобайнида унинг танаш ҳаракат аъзоларида катта ўзгаришлар содир бўлади. Чақалоқ скелетининг кўп қисми ҳали тоғай тўқимадан иборат бўлади. Тоғай кўп йиллар давомида суяк тўқима билан алмашинади.

Чақалоқ калла суягининг мия қопқоғидаги суяклар ҳали шаклланмаган бўлади. Улар орасида юмшоқ бириктирувчи тўқима билан ҳимояланган бўш жойлар учрайди. Бола 8-10 ҳафталик бўлганида унинг бўйин мускуллари мустаҳкамлана бошлайди.

Ҳар бир боланинг ҳомилалик даврида ва ундан кейинги тараққиёти маълум генетик дастур асосида амалга ошади. Бундай генетик дастур ота-она жинсий ҳужайраларидаги хромосомаларда ва улар таркибидаги генларда ўз ифодасини топганлиги билан изоҳланади. Бўлажак наслнинг жинси ҳам хромосомаларга боғлиқдир. Одатда одам тана ҳужайраларида 46 та хромосома мавжуд. Унинг 23 таси болага ота жинсий ҳужайралари, 23 таси она жинсий ҳужайралари орқали ўтади.

манларида кузатилади.

Қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг хатарли томони нимада? Бу ҳақда мулоҳаза юритганда одамларда ирсий касалликларни ҳосил этувчи генлар кўпгина ҳолларда яширин ҳолда бўлганлиги сабабли бундай шахслар соғ бўлсалар ҳам улар авлоддан-авлодга касалликни олиб ўтувчи эканлигини назарда тутиш муҳим. Қариндошлар ўртасида никоҳ бўлганида, аёл ва эркакда касалликни олиб юрувчи ўхшаш генлар болада жуфт ҳолда учрайди ва шу пайтгача яширин ҳолатда бўлган генлар жуфт ҳолатга ўтгандан сўнг фаолият кўрсатадилар. Демак, бола у ёки бу ирсий касалликка дучор бўлади. Агар йигит бегона қизга уйланса ёки қиз бегона йигитга турмушга чиқса, у ҳолда касалликни ҳосил этувчи генлар яширин ҳолатда бўлиб, касаллик болаларда намоён бўлмайди. Яқин қариндошлар орасидаги никоҳ ислом динида ҳам маън қилинган. Бу ҳақда Қуръони каримдаги "Нисо" сурасининг 23 оятида шундай дейилган: "Сизлар учун оналарингиз, қизларингиз, опа-сингилларингиз, аммаларингиз, холаларингиз, ака-укаларингизнинг қизлари, опа-сингилларингизнинг қизлари, эмизган оналарингиз, эмизган опа-сингилларингиз, қайноналарингиз, жинсий алоқада бўлган хотинларингизнинг тарбиясида бўлган қизлари, мана шу санаб ўтилган аёлларга уйланиш ҳаром қилинди".

Юқорида биз туғилажак боланинг жисмонан нормал ривожланиши, отаонанинг жинсий ҳужайралари ундаги хромосомалар, генларнинг нормал тузилиши ва функциясига боғлиқ эканлиги тўғрисида маълумот бердик. Туғилган фарзанднинг келажакда камолотга эришишида ана шу биологик омилларнинг ўзи етарли эмас, албатта.

Бинобарин, ҳомиладорлик даврида бўлажак фарзанднинг муртак ҳолатдан эмбрион ва ҳомиланинг вояга етиши ота-онадан тухум ва уруғ ҳужайра орқали болага ўтган хромосомалар, генлар фаолиятига боғлиқ.

Шундай қилиб, ота ва она жинсий ҳужайраларидаги хромосомалар ва генлар тузилиши ҳамда фаолиятининг нормал бўлиши соғлом авлод камолининг дастлабки замини саналади.

Кишидаги ирсий касалликлар ва уларнинг келиб чиқиш сабаблари нималардан иборат?

Жинсий хромосомалар сонининг ўзгариши ҳам бир қанча касалликларни келтириб чиқаради. Ирсий касалликларни келтириб чиқарувчи бир қанча омиллар бор. Улар физикавий, кимёвий, биологик хилларга бўлинади.

Физикавий омиллар гамма-бетта, ультрагунафша нурлар таъсиридан бўлиши мумкин. Маълумки, иккинчи жаҳон уруши тугаганидан сўнг Америка ҳукумати Японияниг Хиросима, Нагасаки шаҳарларига атом бомбасини ташлаб, унинг таъсир этишини синаб кўрдилар. Атом бомбасининг портлаши туфайли нурланиш олган эркак ва аёлларнинг туққан болалари текширилганда, уларнинг суяк-мускул, юрак қон-томир, марказий нерв системаси, овқат ҳазм қилиш органларида мажруҳликлар, касалликлар борлиги аниқланган.

Туғилган болаларнинг майиб-мажруҳ бўлиши кимёвий таъсирот туфайли ҳам рўй беради. Турли хил кимёвий дорилар — алкоголни истеъмол қилиш ва гиёҳвандлик ирсий касалликларни келтириб чиқарувчи сабаб ҳисобланади. Майнинг зарарли оқибатлари ҳақида бизнинг ота-боболаримизга қадимдан маълум. Шу сабабли ҳам Қуръони каримнинг Бақара сурасининг 219-220 оятларида, Ҳадиси шарифнинг 22, 189, 642 бандларида бу тўғрида таъкидлаб ўтилган.

Ирсий касалликларга дучор бўлган болаларнинг туғилиши онанинг ёшига ҳам боғлиқ эканлиги олимлар томонидан аниқланган.

Носоғлом, ирсий жиҳатдан нуқсонли болаларнинг туғилишига яна бир асосий сабаб қариндошлар ўртасидаги никоҳдир. Яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳ республикамизнинг деярли ҳамма вилоятлари, шаҳарлари ва ту-

XX асрнинг бошида ҳинд психологи олими Рид Сингх чекка қишлоқларнинг бирида ўйноқлашиб юрган бўри болалари орасида иккита одамсифат махлуқларни кўриб қолади. Эртасига у овчилар билан биргаликда бўрилар уясида бўри болалари билан бирга яшаётган ана шу икки қизни тутиб ўз билан олиб кетади. Қизларнинг каттаси 8 ёшда, кичиги 1,5 ёшда эди. Сингх каттасига Камала, кичигига Амала деб исм қўйди.

Шаҳарга олиб келинган опа-сингиллар, тўрт оёқлаб югурар, кечалари бўри болалари каби увиллар, одамлардан яширинар, хом гўшт ер, сувни тили билан шапиллатиб ичар, мухтасар қилиб айтганда, ҳайвоний феъл-атворга, хатти-ҳаракатга эга эдилар. Янги шароитга кўника олмаган Амала бир йилдан сўнг вафот қилди. Сингх ўз тажрибасини дастлабки кунларидан бошлаб опа-сингиллардан бўриларга хос хатти-ҳаракатни, феъл-атворни йўқотишга ўз диққат-эътиборини қаратди.

9 йиллик машаққатли тажрибалардан сўнг Камала қийинчилик билан икки оёқлаб юришга, фақат 40 та сўзни ўрганишга эришди. Лекин шошиб қолган пайтларда барибир қўли оёқ сифатида ишлатар, яъни тўрт оёқлаб югурар эди.

Н.Н.Ладигина — Когис, эру хотин Келлеглларнинг шимпанзе, Рид Сингхнинг Амала, Камала устида олиб борган кузатишлари ва тажрибалардан қандай хулосага келиш мумкин? Ҳар икки тажрибадан ҳам шимпанзе боласи ва одам болалари ўз ота-оналари вояга етган муҳитдан узоқда шароитда тарбияланганлар. Ва бунинг оқибати ўз-ўзидан аён.

Қисқаси, жамиятга соғлом насл керак. Муҳтарам муаллимларимиз, бўлғуси ота-оналар — ўқувчиларни юқоридаги фикрлардан хабардор этишга, чакки бўлмасди.

А.ҒОФУРОВ, биология фанлари доктори, профессор

ОҲАНГ ИЛА ЙЎҒРИЛГАН ТАРБИЯ

Болалар боғчасининг тайёрлов гуруҳида мусиқа машғулоти борарди.

— Болажонлар, аввалги машғулотимизда карнай, сурнайларни, яъни пуфлаб чалинадиган асбоблар билан танишган эдик. Бугун эса миллий торли асбоблардан яна бири — ғижжак билан танишамиз. Ғижжакнинг тўртта сими, симларни уушлаб турувчи тўртта қулоғи бор. Ғижжак камон билан чалинади. Мана, кўрдингизми, бунинг номини камон деймиз. Келинглар болалар яхшиси, мен сизларга ғижжак ҳақида бир ривоят айтиб бераман.

Қадим замонларда миллий мусиқа асбобларидан бири бўлган ғижжак ёлғиз яшар экан. Шунинг учун ўксиб, нуқул йиғлар экан. Кунларнинг бирида бир кишининг унга:

— Ғижжак, нолишингни қўй, юр сени тўйга бошлаб борай. Зора кўнглинг очилса, — дебди. Ғижжак эргашиб кетибди. Лекин тўй шодлиги беҳоранинг кўнглига сиғмабди. Теваракатрофдагиларни унутиб, яна йиғлай бошлабди. Кишиларнинг кўнгли хира бўлиб, хурсандчилик ўрнини ғамгинлик эгаллабди. Тўй эгаси ғижжакни ташқарига чақириб, қўлига беш тийин берибди-да:

— Ма, мана буни ол-да, йўлингдан қолма. Сен тўйбоп мусиқа эмас экансан, — деб ҳайдаб юборибди. Ғижжак боши оққан томонга юриб кетибди. Қаерга бош суқмасин, унинг куйи ҳеч кимга ёқмасмиш. У жуда эзилибди. Бир куни кўчадан ўтаётиб, девор орқасидан келаётган шўх куй кулоғига чалинибди. Ғижжак ўша томонга қараб қолибди. Шу ваќт ичкаридан чиқдирма югуриб чиқибди. Унинг юз-кўзидан кулгу ёғилиб турархан. Ғижжакка қараб:

— Ҳой, биродар, бу ёққа кел-чи, — дебди. — Хохлайсанми, сени бир неча хурматли зотлар билан таништираман. Зора, уларга оовзинг ёқса. Камсуқум ғижжак боякиш ийманибгина рози бўлибди. Хушфеъл чилдирма уни боғда ўтирган бир неча улуғ зотларга — баланд бўйли танбур, корни дўппайиб кетган дутор, устабилармон най, сурнай ҳазратларига ва бошқалар ёнига бошлаб кирибди-да, уларга:

— Бу камбағалнинг ҳам овозини синаб кўринглар, нафаси ўткир кўринади, — дебди. Танбур розимиз деган ишора қилибди. Чилдирма ғижжакка қараб: мен куй бошлайман, сен жўр бўласан, деб енгил, шўх бир куйни бошлабди. Ғижжак бир оз иккиланиб турган, таваккал қилиб куйга жўр бўлибди. Айтишни чакки эмас экан, деб танбур ҳам куйга қўшилибди. Ҳа, дуруст, деб бошқа мусиқа асбоблари ҳам жўр бўлишибди. Боғда дилларга мадад, умид, қувонч бағишловчи дилрабо куй таралибди. Куй тугагач: — Майли, энди биз билан қола қолсин, дейишибди мусиқа асбоблари. Шундай қилиб, ғижжак мусиқа асбоблари орасида ўз ўрнини топибди.

Пойтахтнинг Шайхонтоҳур туманидаги 468-болалар боғчасида мусиқа машғулотларини Наима опа Раҳимова ана шундай қизиқарли, жонли, ранг-баранг ўтади.

Наима опа Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваториясининг бастакорлик факультетини битирган, болалар боғчасида ёш ниҳолларни санъат оламини томон етаклаб келади. У жажжи ўғил-қизларга илк ёшданоқ мусиқа ҳақида тушунча бера бошлайди. Боғчадаги 12 та гуруҳ тарбияланувчилари билан ҳафтада икки марта, иқтидорли болалар билан эса алоҳида машғулот олиб бораётир.

Боғчада Наима опа Раҳимова раҳбарлигида "Орзу" рақс дастаси фаолият кўрсатаётир. Унинг 25 нафар аъзолари ўзбек халқ қўшиқлари, миллий ўйинлар, лапарларни қизиқиш билан ижро этадилар. Фольклоршунос Ғани Жаҳонгировнинг кўргазмаларнинг асосида "Томдан тараша тушди", "Чучвара қайнайди", "Мунди-мунди" каби мусиқали ҳаракатли ўйинлар "Орзу" дастаси репертуаридан ўрин олган.

Наима опа машғулотларда, аввало, халқ чолғу асбобларининг турлари — най, ғижжак, доира, дутор, карнай, сурнайлар ҳақида илк маълумот беради.

Н.Раҳимова машғулотларида ўрнига қараб академик Юнус Ражабий, Мухтор Ашрафий каби отахон бастакорлар, Икром Акбаров, Нодим Норхўжаев, Дилором Омонуллаева, Тўлқин Тошматов, Ғафур Қодиров, Дони Зокиров сингари машҳур болалар бастакорлари портретларидан ибрат олиш орқали уларнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида кичкинтойларнинг ёш хусусиятларига мос тарзда тушунча бериб боради. Бу ёш истеъдод соҳибларининг мусиқага бўлган ҳавасларини янада оширайтир.

— Наима опани жамоанинг меҳрибон онаси деб биламан, — дейди боғча мудираси Гавҳар Юсупова. — Болаларнинг аввал мусиқа билан танишиштиради, қўшиқ сўзларини ўргатиб, сўнгра мусиқага солади. Миллий қўшиқ, рақс ва лапарларга алоҳида аҳамият беради. Ҳар бир байрамда болаларни ёши ва ҳулқига мос байрам эртаклари, базмлар, тантаналар тайёрлайди. Тарбиячилар, ота-оналар билан муносабатда ёки ширинтойлар билан ўзаро муомалада дейсизми, ҳар томонлама опадан ибрат олсак арзийди.

Maktabgacha ta'lim

Наима опа Раҳимова кўпгина методик ишланма, ўйин машғулотлари ва дастурлар муаллифи ҳамдир. Унинг "Буюк Ипак йўлидан буюк келажак сари" бадиий-мусиқий композициясида болалар Буюк Ипак йўли деганда фақат йўл эмас, балки иқтисод, маданият, тарих, қадриятлар билан боғлиқ иқтисодий-ижтимоий воқеа эканлиги, унинг ишлатилиши — болаларимиз учун қанчадан-қанча касблар, иш ўринлари, истиқболни таъминлаб бериши мумкин эканлиги ҳақида тушунча беради.

Унинг "XXI асрга соғлом авлод билан" методик ишланмасида эса миллий урф-одатлар, аньанавий удумлар асосида қўйилган эртакликларда ҳалқ ўйинлари, ашула ва лапарлар, ҳикоя ва ривоятларга кенг ўрин берилган. Улар болаларни мустақил Ўзбекистон Республикаси тарихи, ҳозирги куни ва келажаги билан таништирибгина қолмай, болалар билим ва тушунчаларини кенгайтиради, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга бир восита сифатида хизмат қилади.

Болалар боғчаларида байрам эртакларидан, "Кор хат", "Гуллар ва қушлар" байрамида қарийб айнан ўқиган, Амир Темурнинг 660 йиллигига бағишланган "Оқсарой қиссаси" бадиий-мусиқий композиция ишланмалари туман ҳамда шаҳар миқёсида оммалаштирилган.

Н.Раҳимованинг "Болалар боғчалари учун дастур" (М.Икромова билан) нинг мусиқа бўлими, 1996 йилда эса мазкур дастурнинг (М.Икромова ва Х.Абдураҳмонова билан) қайта ишланган ва тўлдирилган 2-нашри, мактабгача тарбия муассасалари мусиқа раҳбарлари учун (М.Икромова билан) "Болалар боғчаси таълим-тарбия дастурининг мусиқа бўлимига қўшимча амалий материаллар"и чоп этилди.

38 йиллик тажрибага эга бўлган бастакор, кўпгина ишланма ва методик тавсиялар муаллифи, олий тоифали мусиқа раҳбари Наима опа Раҳимованинг шарафли, масъулиятли хизматлари муносиб тақдирланган. У "Ўзбекистон халқ таълими аълочиси" кўкрак нишони ҳамда "Шуҳрат" медали соҳибидир.

Ўғил-қизларимизни гўдаклик давриданоқ мусиқа сирларидан воқиф этиб, уларни санъат оламини сари етаклаётган Наима опа Раҳимованинг эзгу ниятлари амалга ошишига тилакдошмиз.

Дилбар ХЎЖАЕВА

Суратда: мусиқа раҳбари Наима Раҳимова болаларга халқ чолғу асбоблари ҳақида сўзлаб бераётир.

Равиль АЛЬБЕКОВ олган сурат.

СОҒЛОМ АВЛОД КАМОЛИ УЧУН

Bolalar bog'chalarida

Сариосиё туманидаги "Зебо" болалар боғчаси намунали тарбия масканларидан бири. Муассасадаги 2 гуруҳда 42 нафар жажжи ўғил-қиз тарбияланмоқда. Бу ерда кичкинтойларнинг жисмонан ва ақлан соғлом бўлиб вояга етишлари учун барча қулайликлар яратилган. Боғчада моҳир қўллар, рақс, жисмоний тарбия, маънавият ва маърифат тўгараклари мунтазам фаолият кўрсатаётир.

Маънавият ва маърифат хонасидан "Ватанни севмоқ иймондандир", "Маънавият — олий қадрият", "Оилада бола тарбияси" каби расмлар, кўргазмали қуроллар, стендлар ўрин олган.

— Масканимизнинг мақсади, - дейди болалар боғчаси мудираси Манзура Шаропова, - нозик қалбларни истиқлол мафкураси асосида соғлом, ҳар томонлама ривожланган шахс сифатида тарбиялаб, мактаб таълимига тайёрлашдир. Бу борада Мунаввар Аҳмедова, Малика Бобоева, Муҳаббат Эшмирзаева каби болажон тарбиячиларнинг ўйин орқали амалга ошираётган ноанъанавий машғулотлари таҳсинга сазовор бўлаётир.

Соғлом авлодни вояга етказишда ана шундай ахил, изланувчан жамоага омад тилаймиз.

Камолиддин МИНГБОЕВ

ОТА ЎҒИЛ

ёхуд ўз ҳисобидан мактаб қурган фермер ҳақида

Бир эмас бир неча нафар фарзанди мактабда таълим олаётган ота-онадар кўпинча тўй ҳашамлар учун унча-мунча пулнинг юзига қараб ўтирмайдилар. Аммо, улар фарзандлари таълим олишаётган мактабга арзигулик моддий кўмак беришга келганда... Шу ўринда камданкам учраб, турса-да, бу ҳолатнинг аксини ҳам кўриш мумкин. Тошкент вилояти Оҳангарон туманидаги "Оқтом" маҳалласида истиқомат қилаётган фермер Авазхон Азимов мустақиллигимизнинг 9 йиллик тўйига ўз маблағига қурган 100 ўринли бошланғич мактабни туҳфа қилди.

Иншоот тўртта синфхона, ўқитувчилар хонаси, ошхона ва ҳамда, яна бир неча зарур хоналардан ташкил топган. Мактаб ҳовлиси чорроқ бўлса-да, бошланғич синф ўқувчилари учун барча талабларга жавоб беради. Зарур буюмлар билан жиҳозланган мактаб ўқувчилар учун барча жиҳозлар билан безатилган.

Шу кунларда мактабда 50 дан зиёд "Оқтом" маҳалласининг болалари таълим олмоқда. Мактаб қурилмасдан олдин ўқувчилар қишлоқдан 3 чақирим масофа узоқда жойлашган катта мактабга қатнаб ўқирдилар. Бу масофа кичкина ёшдаги ўқувчилар учун бирмунча ноқулай бўлса, бошланғич синф ўқувчиларининг қай ҳолатда мактабга қатнаганлигини тасаввур қилиш қийин эмас. Авазхон ака худди мана шу ноқулайликларни бартараф этиш учун, хайрли ишга бел боғлади. Вақт ўтгуриб, қаш-паш деғунча мактаб ҳам битди.

Авазхон фермер "Мана, мактабни битириб бердим, энди бизнинг фарзандларимиз қийналмайди", "деб унинг жамоасини ҳам ўқув-тарбия ишини йўқ. Ошхонада фермер ҳисобидан ўқувчиларга бепул тушлик берилаётир, яна икки нафар ўқитувчи ҳам ойлик маошини ушбу хўжаликдан олишмоқда. Мактабга компьютер ўрнатилган... Буларнинг ҳаммаси биргина фермернинг сай-ҳаракатлари натижасидир.

Мактаб қуриш Авазхон акага ота мерос десак ҳам бўлади. Гап шундаки, бир вақтлар у кишининг отаси ҳам мактаб қуриб, ўша мактабда ўзи ўқитувчилик қилган экан. Қисқаси, ота ўғлига бойлик эмас, ушбу эзгу аньанани мерос қилиб қолдирди. Бойликни у тадбиркорлик орқасидан ўз ҳалол меҳнати билан топди. Келгусида бошланғич мактабни 9 йиллик мактабга айлантириш, спорт зал қуриш, ўқувчиларга компьютерлар сотиб олиш режаси билан яшамоқда. Авазхон Азимов 1999 йилда Президентимиз фармонига биноан "Меҳнат шон-шуҳрати" орденига сазовор бўлди. Яқинда эса у "Таълим ҳомийси" кўкрак нишони билан мукофатланди.

Абдулҳамид АБДУАҲАДХОН ўғли.

Куни кеча нимадандир таъсирланиб шеър ўқиб юрган фарзандингиз бир кун келиб "мен шоир бўламан" деб қолса табиийки, ҳайрон бўласиз.

Шундай қилиб, Пеле футбол майдонида эмас, нефт майдонида...

"Nafosat" anjumani

ВАТАН БИЗНИНГ ҚАЛБИМИЗДА

дейишди республика ёш ижодкорларининг "Нафосат" анжумани қатнашчилари

Тоғлар адирлардан, дарёлар ирмоқлардан бошланади. Аслида ҳамманинг юрагида ҳам гўзалликка интилиш, уни ҳис қила билиш, яна ўзи ҳис қилган бус-бутун гўзалликни ифодалаб бера олиш каби хислатлар бўлади. Шундай хислатларнинг камолга етмоғи, шаклланмоғи учун эса кимдир ёки нимадир сабаб бўлади. Дейлик, болангиз ҳали мурғаклигиданоқ дунёда қандай касблар борлигини билмасдан туриб ҳам қўшиқ айтади, қоғозга қинғир-қийшиқ шакллар билан расм чизади. Ёки ўзича шеър тўқийди. Куни кеча нимадандир таъсирланиб шеър ўқиб юрган фарзандингиз бир кун келиб "мен шоир бўламан" деб қолса табиийки, ҳайрон бўласиз. Бунга шоирликни ким ўргатаркин, бизнинг авлодимиздан шоир чиқмаганку, деб. Яна унинг истеъдоди қай даражада эканлигига қизиқиб ҳам юрасиз. Бу қизиқишингизни бир куни "Мен Тошкентда бўлиб ўтадиган ёш ижодкорларнинг "Нафосат" анжуманида қатнашмоқчиман, деган сўзлар ҳайратга айлантиради.

Куни кеча пойтахтдаги "Нафис санъат лицейи"да республикамизнинг барча вилоятларидан, Қорақалпоғистон республикасидан ота-онасини, мактабдошларини лол қолдириб, шеър ёзадиган, ижоднинг машаққатли йўлини танлаб улгурган, мана шу йўлдан қайтмайман деб аҳд қилган ўқувчилар ажойиб мушоира ўтказдилар.

Дастлаб ўқувчиларни кутиб олган ХТВ Маънавият ва қўшимча таълим бошқармаси ходимлари уларни пойтахтнинг диққатга сазовор жойлари билан таништиришди. Ўқувчилар Шаҳидлар хиёбонида бўлиб, миллатнинг энг фидойи, чақмоқ каби яшаб ўтган асл фарзандларини хотирлашди, Миллий боғ кўркига кўрк қўшиб турган Алишер Навоий ҳайкали пойига гуллар қўйиб, руҳини ёд айлашди. Шундан сўнг мушоира кечаси бошланди.

Тантанали кечада Халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Рустам Аҳлиддинов, ёзувчи, "Гулхан" журналининг бош муҳаррири Сафар Барноев, шоирлар Турсунбой Адашбоев, Икром Отамурод, вазирликнинг "Маънавият ва қўшимча таълим" бошқармаси бошлиғи Ж.Фозиловлар иштирок этишди.

Анжуман иштирокчилари давлатимиз мадҳияси, сўнгра ижодкор ўқувчилар анжумани мадҳиясини жўровоз бўлиб айтишгандан сўнг, навбат мушоирага берилди.

Мушоирани Навоий вилояти вакили Шаҳноза Тўрабоева бошлаб берди. Ватан мадҳ этилган, Она-юрт куйланган шеър барчани илҳомлантирди чоғи, мушоирани давом эттирувчи бошқа вилоятлар вакиллари ҳам диёр, эл-юрт улуғланган ўз кўнгил битикларини айта бошладилар.

Мушоирада қатнашаётган ўқувчиларнинг самимияти, уларда бўлган истеъдод учқунларини кузатиб ўтириб, бир нарса ёдимга тушди. Бугунги кунда барча жойларда таълим-тарбия соҳасига, эртанги кун эгалари деб эътироф этилаётган болаларнинг соғлом ва бақувват, ҳар томонлама билимдон бўлишлари йўлида жуда катта ва ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

"Нафосат" анжумани ҳам бир неча йиллардан буён ўтказилиб келинмоқда. Бир қатор истеъдодли, гўзал ташбеҳ топа олишга қодир, кўнгилни теран тушунадиган, қалб кўзи билан дунёга боқадиган ўқувчилар худди шу анжуманда кашф этилган. Бу ҳақда таниқли шоир, "Шарқ юлдузи" журнали бўлим муҳаррири Икром Отамурод шундай дейди: "Бу ҳар йили ўтадиган анжуманда жуда кўплаб истеъдодли, эртанги кун ўзбек адабиётининг эгаси бўладиган ёш ижодкорлар аниқланмоқда. Ҳар йили ушбу анжуман ниҳоясида мен бир нарсани "Адабиётни истеъдод яратади", деган сўзларни яна бир бор кашф қиламан. Албатта, истеъдодларни эътибор, хайриҳоҳлик, қўллаб-қувватлаш ҳам юзага чиқаради. Бугун мактаб партасида математика, химия, физика каби фанларни ўрганиш баробарида, адабиётга бошқача ихлос қўйган, ҳар куни олти соат адабиёт дарси бўлса экан, деб турадиган ўқувчиларни топа билиш, уларга хайрихоҳлик кўрсатиш, ижодкор ўқувчиларни қўлидан етаклаб туман ва вилоятда нашр этиладиган газета таҳририятларига олиб бориш мактабдаги адабиёт муаллимларининг одамийлик нуқтаи назаридан юмуши бўлса, уларни шундай катта давраларга олиб келиш, бошини қовуштириш халқ таълими вазирлигининг яна бир савобли амалидир.

Худди шундай анжуманларда биз ижодкорлар Гулноз Мўминова, Худойназар Дўстқобил, Жўрақул Рамазонов, Шуҳрат Ориф каби ўзбек шеъриятига гўзал иборалар билан, гўзал кўнгил билан кириб бормоқчи бўлган ёшларни аниқладик. Ҳозир бу ижодкорлар республика оммавий ахборот воситаларида хизмат қилмоқдалар".

Камолотнинг кўприги — мушоира, дейишади. Турли вилоятлардан келган ўқувчилар бу ерда дўст орттиришди, кўнгилларида тошиб ётган, дилларидан қуйилиб келаётган сатрларни анжуман иштирокчиларига ҳавола этишди.

Айниқса, Наманган вилояти Чортоқ туманидан келган Азизбек Ҳакимовнинг кангул аталмиш тоза, мусаффо юрагидан отилиб чиққан шеърлари барчани тўлқинлантириб юборди.

Мушоира давомида Сафар Барноев ҳам ўз дил сўзлари ва фикрларини ёш ижодкорларга баён қилди.

— Адабиёт қуруқ шиорлардан, қуруқ гаплардан чарчади. Энди унга тоза юрак билан, соф виждон билан кириш керак. Миртемир домланинг ибрат бўладиган ажойиб одатини ёш ижодкорларимиз, тўғрироғи ёш шоир ва шоираларимиз унутмасликлари зарур. У киши сўзни шу қадар азиз ва муқаддас деб билардилар ва ёзган шеърлари устида тинимсиз, қайта-қайта ишлардилар. Истайманки, сизлар ҳам қудрат ва кучга эга бўлган СЎЗни теранроқ англайсизлар ва уни исроф қилмасликни ҳозирданоқ ўрганиб борасизлар.

Ҳазрат Навоий ўзи буюк ижодкор, давлат арбоби бўлиш баробарида ёш қалам аҳлига қоя вазифасини ўтовчи киши ҳам бўлганлар. Навоий бобомиз ўзидан кичик бўлган, ҳали қалами чарҳланмаган, аммо истеъдоди, шеъриятга бўлган ихлоси бор инсонни сезиб қолсалар унга кўп эътибор берар, ёзган машқларини қунт билан тинглаб, уларга йўл-йўриқлар кўрсатар эканлар. Демак кўнгилга тушган бетизгин туйғуларни тизгинлаб, ўзансиз оқиб ётган булоқларни бир ўзанга солиб юбориш ҳаммамизнинг бурчимиз экан.

Ўтган йили анжуман иштирокчиларининг энг сара шеър ва ҳикоялари "Истиқлол ғунчалари" номли тўпламда чоп этилган эди. Худди шу анъана бу йил ҳам давом этади. Ёзувчи Сафар Барноев энг сара шеър ва ҳикояларни "Гулхан" журналида чоп этиш учун ўша ернинг ўзидаёқ танлаб олди. Икром Отамурод ҳам "Шарқ юлдузи" журнали учун шеърлар қабул қилди.

Бу ерга ташриф буюрган ўқувчилар нафақат ижодкор балки, мактабнинг энг фаол, энг жонкуяр ўқувчилари ҳамдир. Биз анжуман иштирокчилари бўлган ўқувчилар билан қуйидаги мазмунда суҳбатлашдик.

— Сизлар, мактабнинг энг жонкуяр ва билимдон ўқувчилари бўлсангиз керак. Бугунги кунда миллий ғоя ва мафкурани болалик давриданоқ шакллантириш керак, дейишмоқда. Ижодкор айни дамда жамият ва давлат сиёсатига ҳам қизиқиб турмоғи, аввало, ўзингиз англашингиз зарур ҳамда шу маънода Сизлар мактабда миллий ғоя ва онг тушунчасини бошқа тенгдошларингизга тушунтириш учун нималар қилмоқдасиз?

Дилзода Довудова, Фарғона вилояти Қўқон шаҳридаги 32-физика-математикага ихтисослаштирилган мактабнинг 9-синф ўқувчиси:

— Мен миллий истиқлол руҳини тенгдошларим онгига сингдириш мақсадида мактабда "Истиқлол дарсини" ўтиб бердим. Тенгдошларим онгида ватанга бўлган муҳаббатни, она-тупроққа бўлган ҳурмат ҳиссининг уйғониши, мустақил Ўзбекистонимизни буюк ва қудратли эканини яна бир карра ҳис қила олишларига менинг изланиб, жуда кўп китоблардан фойдаланиб тайёрлаган маърузам озгина ёрдам берди, деб ўйлайман. Қолаверса, ўзим ҳам тайёрланиш жараёнида кўпгина нарсаларни билиб олдим. Биз ёш авлодга шахсан Президентимиз Ислом Каримов катта эътибор бермоқдалар. Етук билим олишимиз, соғлом ўсишимиз учун барча омиллар, озода синф хоналари, дарсликлар, малакали ҳамда бизни севувчи устоз-муаллимлар бор.

Зулфия Бобоева, Навоий вилояти Навоий туманидаги 9-мактаб ўқувчиси:

—Бугунги кунда жуда кўплаб мамлакатларда террорчилик, вахшийликлар илдиз отиб кетмоқда. Баъзи бир ғаразли кимсаларнинг ҳаракатлари билан юртимизнинг кўплаб ёшлари турли оқимларга қўшилиб кетишган. Уларга ичимиз ачийди. Президентимизнинг адашганларни авф этиш тўғрисидаги фармонларидан сўнг худди шундай адашган ёшлар яна мактабга, ота-онаси қучоғига қайтмоқда. Мен айниқса, бундай оқимларга ўғил болалар кўпроқ кириб кетишларига амин бўлдим. Мактабимизда миллий ғояни шакллантириш, шу озод ва обод ватан учун билим олиш ва хизмат қилишга бўлган рағбатни кучайтириш учун барча ишлар қилинмоқда. Шундай тадбирларда биз юқори синф ўқувчилари устозларимизга кўмакчи эканлигимиздан фахрланамиз. Масалан, мен тенгдошларимни ватанпарвар, юрт ишига ҳалол ва сидқидилдан ёндошадиган бўлишлари учун ўз шеърларим билан ҳисса қўшмоқдаман, деб ўйлайман. Ватанни ҳар қанча шеърга солсак, уни куйласак шунча оз. Бир қўшиқчининг "Мен Ватанда эмасдирман, Ватан менинг ичимдадир" деган мисраларида мен ўзимни ҳам кўраман.

"Адабиёт яшаса миллат яшар" деб айтган Чўлпон ҳам ёш истеъдодлар тимсолида миллатнинг яшашини, адабиётнинг умрбоқийлиги келажак авлодлар қўлида эканлигини кўра олган бўлса керак.

Мушоира якунида ҳар бир қатнашчи Халқ таълими вазирлигининг "Фахрий ёрлиғи" ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Шарифа МАДРАҲИМОВА, "Маърифат"нинг махсус мухбири

Суратларда: Анжумандан лавҳалар.

Б.РИЗОҚУЛОВ олган суратлар.

Xullas...

ЎҚУВЧИ— АРХЕОЛОГ

Эстониялик мактаб ўқувчиси Лаури Миккельсаар қадимий қишлоқлардан бирида қазилмага дуч келди. Тарихни ўрганишга жуда қизиқиб юрган ўсмир одатдаги тошлардан кескин фарқ қилувчи бу чақмоқтошни у ёқ бу ёққа айлантириб кўрди-да, қадимги аждодларнинг иш қуроли бўлса керак, дея хаёлидан ўтказди. Топилмани маҳаллий музейга келтиришганида, бу меҳнат қуролидан тахминан 11 минг йил илгари фойдаланишган, дея тахмин қуйишди. Демак, чақмоқтош топилган Рей дарёси қирғоқлари атрофида қадимий қишлоқлардан бири бўлган.

Яқин орада бу ерга археологлар ташриф буюришса керак.

ОИЛА ЭНГ ЮҚОРИ ЎРИНДА

Испания тадқиқотчиларининг "ҳаётий қизиқишлар шкаласи" деб номланган изланишлари бу халқ вакилларининг ўзига хос хусусиятларини исботлаб берди. Испанлар оилани энг юқори ўринга қўяр эканлар. Ўн баллик тизимда уларнинг оилага муносабатлари 8,5 балл билан баҳоланди. Кейинги ўринни ўз соғлиқлари ҳақида қайғуриш банд қилди (8,22 балл). Ўз соҳасининг юксак малакали мутахассисига ва маданий даражасининг ошишига ҳам испанлар унчалик бефарқ эмас эканлар. Бу 7,82 балл кўрсаткичда намоён бўлди. Бешинчи, ҳа, ҳа, бешинчи ўриндагина испанлар кўпроқ пул ишлаб топиш ҳақида орзу қилишади. Аксари мамлакатларда бу истак биринчи ўринга чиқарилади. 7,81 баллнинг бу соҳада қайд қилиниши испанларнинг анча-мунча мулоҳазакор халқ эканлигини кўрсатади.

Испанларнинг "ҳаётий қизиқишлар шкаласи"да энг сўнгги ўринни ҳозирча динга муносабат эгаллайди.

ПЕЛЕ... НЕФТ "МАЙДОНИДА"

Машҳур футбол қироли Пеленинг Нигерияга ташрифидан мақсад ўз мамлакатининг бу давлат билан нефт қазиш соҳасидаги ҳамкорлигини мустаҳкамлашдан иборат. Пеле Бразилиядаги "Петробрас" нефт қазувчилар компаниясига ҳам сафар уюштирган эди. Энди у Нигерия президенти билан бу масалада маслаҳатлашиб кўрмоқчи.

Кузатувчиларнинг таъкидлашига қараганда, Пеле нефт қазиш соҳасидаги ҳамкорликни кучайтирувчи экспертгина бўлиб қолмай, ўзининг дунё миқёсидаги шахсий обрўсидан фойдаланган ҳолда Бразилия ва Нигериядаги "қора олтин" миқдорини кўпайтириш ташвишида.

Шундай қилиб, Пеле футбол майдонида эмас, нефт майдонида...

ana shunaqa gaplar...

Sport maydonchasi

"УЛУШНИ" БЕРИШНИ УНУТГАНДИ

Афсонавий боксчи Муҳаммад Али Лос-Анжелос судига "Active Apparel Group Inc" компанияси устидан жиноят билан мурожаат этди. У компаниянинг спорт кийимларида ўзининг исми ва дастхати акс эттирилган ҳолда сотилгани учун 1000000 доллар миқдорида пул ундириш ниятида бу ишга қўл урди.

7 СОАТ ПАНЖАРА ОРТИДА

"Колорадо" хоккей жамоасининг дарвозабони, МХЛнинг афсонавий ўйинчиси Герри натижаларини қайд этишга қодир бўлган Патрик Руа ўз муваффақиятларини ноодатий нишонлади. Жамоат жойида ва оиласи даврасида ўзини чегарадан ташқари тутгани учун 7 соат полиция маҳкамасида вақтини ўтказди.

ҒОЛИБ ТАРКИБ ЎЗГАРМАЙДИ

Романцев Москва "Спартак"чилари таркибини ўзгаришсиз ҳолда Германияга олиб кетди. "Байер"га қарши тўп сурадиган футболчилар Лиссабонда майдонга тушган ўйинчилар бўлиб, мураббий ўтган ҳафтадаги ғалаба такрорланишига ишонмоқда.

НОРМАН ШАНХАЙ ТУРНИРИДА

Шведлар фахри, АТП - тур таснифида лидерлар сафидан жой олган теннисчи Магнус Норман Шанхайда ўтказилган "Heineken Open" турнири бош совринини қўлга киритди. Ёмон об-ҳаво шароити туфайли 3-сетда тўхтаб қолган учрашув голландиялик С.Шалькен учун омадсиз якунланди.

ЖАНУБИЙ КОРЕЯ 1/4 ФИНАЛДА

Гуруҳ баҳсларидан зўрға чиқиб олган корейликлар Осиё чемпионлигига башорат қилинаётган Эрон футбол терма жамоасини муносиб тарзда енгиб, кейинги босқичга йўл олди. 90 минут давомида ғалаба ишончида тўп сурган эронликлар бир неча сония "чидаб" туролмади ва омад улардан юз ўгирди.

ЎЗБЕК ТИЛИНИ СЕВАМИЗ

Тил билган — элни билади, дейди доно халқимиз. Шу боис, мурғак қалбларга ўзбек тили қанчалик эрта ўргатилса, шунчалик хотирасида сақланиб қолади.

Ангрен шаҳридаги 37-болалар боғчасида Тошкент вилояти халқ таълими бошқармаси мактабгача таълим бўлими ташаббуси билан болалар боғчалари русийзабон тарбияланувчиларининг вилоят миқёсида ўзбек тили фестивали бўлиб ўтди.

Фестивалда иштирок этган Янгийўл шаҳридаги 13-, Ангрен шаҳридаги 37-, Олмалиқ шаҳридаги 23-, Чирчиқ шаҳридаги 25-боғчаларнинг тарбияланувчилари шеър, мақол, тез айтиш, қўшиқ, рақслар ижро этишиб, кичик саҳна кўринишлари намойиш қилдилар.

Анжуманда фаол қатнашган болалар боғчаларига қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

Д.ХЎЖАЕВА

СИР

Ҳикоя

—Аваз, адашдик шекилли, бунча узоқ юрилмасди. Ке, тўхтайлик, бирортасидан йўл сўрамасак бўлмайди.

Улар машинасини бир чеккага қўйиб, йўлнинг нариги тарафига ўтишди.

—Кўзимга ҳамма нарса таниш кўриняпти. Қачондир шу ерларда юрганга ўхшайман, — деди Азамат ва бирдан: — Аваз! Лагеримиз-ку, лагеримиз! — деб қийқириб юборди.

— Ҳа, панжаралари, ана зинапоя, сўрилар! Ҳеч нарса ўзгармабди!

Икки йигит бирпасда болага айланиб қолгандай ҳаяжонланишди.

Ахир, улар 10 ёшлик пайтларида худди мана шу лагерда танишган эдилар-да.

... Ушанда Авазга аяси: — Туғилган кунингда кела олмайман, ўртоқларингни меҳмон қиларсан, -деб бир оз пул бериб кетди. У хонага кириб, пулни сумкасига яшираётган эди, гуруҳдоши Азамат кириб қолди. Унга "қўйган жойимни бировга айтма, Азамат" дегиси келди-ю, айтмади. Хафа бўлиб қолади, деб ўйлади. Эртасига пули қўйган жойида йўқ эди.

— Азамат олган, бошқа ҳеч ким кўргани йўқ! -Авазнинг йиғлагиси келди. — Тарбиячи опаларга айтсаммикан. Азаматнинг кўпчилик орасида йиғлаб тургани кўз олдига келди. Болалар уни "ўғри, ўғри!" деб масхара қилади. У баттарроқ ҳўнграб йиғлайди. Аваз ўз хаёлларидан ўзи қўрқиб кетди. — Бўлмайди, — деди.

Кечқурун Азаматни бир чеккага олиб чиқди:

—Пулимни сен олдингми?

У "дувв" қизарди.

—Йўқ!

—Олгансан! Ўзим кўрдим. Яхшиликча берсанг, бировга айтмайман. Бўлмаса болаларга айтаман, "тит-пит"ингни чиқаришади.

—Ҳеч кимга айтмайсанми, алдамайсанми?

—Йўқ. Чин сўзим! Бироқ бу ишни қайтарсанг, қўлингни синдирамиз.

Азамат пулни бус-бутун қайтариб берди. "Жудаям музқаймоқ егим келганди, шунинг учун олдим, сўрасам, бермайсан, деб ўйладим", дея кечирим сўради.

Шу-шу улар яқин бўлиб қолишди. Шаҳарга қайтгач, қўнғироқлашиб туришди. Бирга спорт мактабига қатнашди. Мана институтдаям бирга ўқишяпти.

—Нариёқдан қарасанг ўзгармагандай. Роса бошқача бўлиб кетибди-ку, -деди Азамат айланиб юришаркан.

—Ҳов йигитлар, кимни кўргани келдинглар, ҳужжатларинг борми?-қоровул амаки уларни тўхтатди.

— Болалигимизни, — деди Аваз аста.

Қоровул амаки ажабланиб қаради. Азамат ҳам, Аваз ҳам илк дўстлашувларига сабаб бўлган воқеани эслашдими, беихтиёр жилмайишди. Бу жилмайиш "сир"и фақат икковларигагина аён эди.

Орзу АЪЗАМОВА,
М.Улуғбек туманидаги 64-мактабнинг 8-синф ўқувчиси

Bureau of Educational and Cultural Affairs

IREX

ҲОЗИРГИ ЗАМОННИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ ДАСТУРИ

Дастур Американинг Халқаро тадқиқотлар ва олимларни айирбошлаш кенгаши (АЙРЕКС) томонидан ўтказиляпти ва АҚШ давлат департаменти қошидаги Илмий ва Маданий дастурлар бўлими (ЕСА) унга ҳомийлик қилмоқда. Дастур Ўзбекистоннинг ҳозирги кундаги долзарб муаммоларининг барча соҳалари бўйича шуғулланадиган илғор мутахассислар учун, сиёсий арбоблар, умумдавлат, ҳудудий ва маҳаллий савиядаги давлат хизматчилари, хусусий сектор мутахассислари, ноҳукумат ташкилотлари ходимлари, жумладан, журналистлар, ҳуқуқшунослар, менежерлар, судьялар, ҳуқуқ-тартибот ходимларига мўлжаллангандир. Иштирокчиларнинг ёши чекланган бўлиб, улар 25 ёшдан 55 ёшгача бўлишлари шарт. Дастур 4 ойлик муддатда АҚШ академик ташкилотларида илмий тадқиқотлар ва амалиёт ўтказиш учун катта имкониятлар беради.

Анкеталарни Тошкент АЙРЕКС (IREX) ваколатхонасида ёки Наманган, Нукус, Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида жойлашган АҚШнинг таълим масалалари бўйича Ахборот марказлари ва Интернет саҳифалари орқали олишингиз мумкин. http: // www. irex.org

Дастурда иштирок этиш учун буюртмаларни топширишнинг охирги муддати 2000 йилнинг 24 ноябри, соат 17.00 гача.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Бобур кўчаси-4, 2-қават.
Маълумот учун телефонлар: (998-71) 139-10-58; (998-712) 55-83-58; (998-712) 55-70-25

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги жамоаси Халқ таълими вазири Р.Ҳ.Жўраевга акаси **Болибек ҲАЙДАРОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги раҳбарияти ва жамоаси Тошкент шаҳар Бектемир тумани халқ таълими бўлими мудири А.Шоаҳмедовга волидаи муҳтарамаси **ЗУЛФИЯ аянинг** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

«Маърифат» газетаси ҳамда «Таълим тараққиёти» журнали жамоаси Халқ таълими вазири Рисбой Жўраевга акаси **Болибек ҲАЙДАРОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР: Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ, Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Нўъмонжон РАҲИМЖОНОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Йўлдош САИДЖОНОВ, Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Рақам ва далиллар ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга жавоб қайтарилмайди. «Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси,32. ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона — 136-54-10, масъул котиб — 136-56-42, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-54-23.

Газетани IBM компьютерида Лилия БИНАШЕВА саҳифалади.
Навбатчилар: Аҳмад ОТАБОЕВ, Жамшид САЪДИНОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20. ИНДЕКС: 149, 150. Г-917. Тиражи 19.037. Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 20.00.